БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 261 (18.139). • 11 ноябрь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Марра яқин, янада ғайрат қилайлик!

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

● 10 НОЯБРЬ ЭРТАЛАБГАЧА РЕСПУБЛИКА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИГА ТОПШИРИЛГАН ПАХТА 5.713.129 ТОННАГА ЕТДИ, УНИНГ 3.733.060 ТОННАСИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИБ ОЛИНДИ. ШУ МУДДАТГАЧА ТАЙЁРЛАНГАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА 347.923 ТОННА БЎЛДИ.

● ЎТГАН КУНИ ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТА 45.855 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ, ШУ ЖУМЛАДАН 30.521 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» АГРЕГАТЛАРДА ТЕРИБ ОЛИНДИ. ЎША КУНИ ИЙҒИШТИРИЛГАН ИПАК ПАХТА 4320 ТОННА БЎЛДИ.

МАКТУБДАН РУҲЛАНИБ

Бухоро области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасидан руҳланиб, пахта далаларида зарбдорчасига ишлашяпти. Давлатга 640 минг тоннадан зиёд пахта топширилди.

Гиждувонликлар тиклаган «оқ олтин» хирмони 77.265 тоннага етди. Ипак пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олинди. Райондаги «Гулистон» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Обида Ҳамроева бошлиқ бригада гектаридан 63 центнердан «оқ олтин» олиб, ҳосилдорликда рекорд натижага эришди.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Китоб райони деҳқонлари ингичка толали пахта тайёрлаш планини уддалашди. Қабул пунктларига 1003 тонна пахта топширилди.

Ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил олинди.

Шу кунларда область далаларида 731 та кўсак терадиган машина ишлатилянти. Айни пайтда 795 та кўрак чувийдиган машина ва 49 та подборщик ҳам ишлатилмоқда.

* * *

Олтиариқ районидаги «Ленинобод» совхози меҳнаткашлари давлатга 8350 тонна дурдона топшириб, йиллик планни бажардилар.

Ҳосилнинг 6,5 минг тонласини механизаторлар теріб беришди. Совхоз деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 650 тонна «оқ олтин» топширишга бел боғлашди.

* * *

Урганч районида деҳқонлари пахта тайёрлаш бўйича йиллик планни бажардилар. Қабул пунктларига 47100 тонна «оқ олтин» етказиб берилди.

Гектаридан олинган ҳосил 39,7 центнерни ташкил этди. Ялпи ҳосилнинг 30 минг тоннаси бункерлардан бўшатилди.

Район деҳқонлари яна 4000 тонна пахта тайёрлаб, ҳосилдорликни 43 центнерга етказишга сўз беришди.

* * *

Хўжайли райони деҳқонлари йиллик планни адо этдилар. Давлатга 40,6 минг тонна «оқ олтин» топширилди.

Элликқалъа райони механизаторлари машина терими плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. «Қирққизобод» колхозида ҳар машинанинг ўртача иш унуми 194 тоннани ташкил этди.

* * *

Нарпай районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари йиллик планни шараф билан уддаладилар. Улар ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олиб, давлатга 5650 тонна «оқ олтин» топширдилар.

Каттақўрғон районидаги «Правда» колхози деҳқонлари давлатга 5096 тонна, **Пайариқ районидаги Крупская номли колхоз** деҳқонлари 3416 тонна, **Пастдарғом районидаги «Комсомол» колхози** эса 2300 тонна пахта топшириб, йиллик планларни уддаладилар. Эндиликда областда 42 ҳўжалик социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшримоқда.

Самарқанд давлат университети студентлари Нарпай райони далаларида ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Улар мавсум бошидан буён 11 минг тонна пахта теріб бердилар.

* * *

Наманган областида яна тўрт хўжалик — Задарё районидаги Навоий номли, Чуст районидаги Калинин номли, Уйчи районидаги Жданов номли колхозлар ва Калинин номли совхоз пахта тайёрлаш бўйича йиллик планни бажардилар.

Бугунги кунда Наманган областида 23 колхоз, 13 совхоз, 437 бўлим ва бригада, 797 звено социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти.

* * *

Гулистон районидаги «Коммуна» колхози пахтакорлари давлатга 4500 тонна пахта топшириб, йиллик маррадан ўздилар. Улар яна 500 тонна пахта топшириш режасини белгилашди.

Ильич районидаги «Правда» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тоғай Идиқулов бригадаси қўриқ ер шароитида 40 центнер ҳосил олди. Қаҳрамон бошлиқ бригада давлатга 260 тонна пахта топширди. Улар яна ҳар гектар ердан 5 центнердан «оқ олтин» топширишга сўз беришди.

* * *

Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхози пахтакорлари йиллик планни адо этдилар. Ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилган хўжалик меҳнаткашлари ҳар гектар ердан 32,4 центнердан ҳосил олдилар, давлатга 4602 тонна ипак пахта топширилди. Унинг 2636 тоннаси машиналарда теріб олинди.

9 ноябрь куни область далаларида 462 кўсак терадиган машина ишлатилди. Жарқўрғон районида мавжуд 74 та кўрак чувийдиган машинанинг 73 таси, Шеробод районида 100 та кўрак чувийдиган агрегатнинг 86 таси ишлатилди.

* * *

Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари тайёрлов пунктларига 5450 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик планни бажардилар.

Ҳозир Андижон областида бир район, 23 хўжалик, 36 бўлим ва 640 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

„Оқ олтин" ҲИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 10 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,40	115,07	—	122,77
БУХОРО	0,66	112,58	0,77	113,64
ЖИЗЗАХ	0,34	108,08	0,12	111,85
СИРДАРЁ	0,38	104,10	0,19	104,09
ҚАШҚАДАРЁ	0,70	102,70	0,78	100,02
ХОРАЗМ	0,80	100,82	0,75	107,78
Наманган	0,83	96,84	0,82	91,07
Фарғона	0,90	94,36	1,10	96,16
Сурхондарё	1,00	93,32	1,10	82,50
ҚҚАССР	0,84	89,69	0,89	81,72
Самарқанд	1,25	89,69	1,36	80,45
Андижон	1,09	86,84	1,41	83,31
Республика бўйича:	0,78	97,83	0,79	96,46
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
БУХОРО	0,90	117,44	—	74,50
НАМАНГАН	1,56	116,88	3,90	136,45
Сурхондарё	1,10	94,54	1,31	86,35
Қашқадарё	1,36	85,24	1,45	54,34
Республика бўйича:	1,16	94,03	1,28	74,70

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 26 ноябрда ўнинчи чақириқ республика Олий Совети тўртинчи сессияси ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик планини, республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1982 йилги давлат планини ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1981 йилги давлат плани қандай бажарилаётганини, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги давлат бюджетини ва 1980 йилги бюджет ижроси ҳақидаги ҳисоботни олдиндан кўриб чиқишни план-бюджет комиссиясига ва бошқа доимий комиссияларга топширди.

10 ноябрь куни план-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссиясининг раиси депутат Л. И. Греков олиб борди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган ва 1982 йилги давлат планларининг лойиҳалари тўғрисида доклад қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида ва 1980 йилги бюджетнинг ижроси ҳақида Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. Муродхўжаевнинг доклади ҳам тингланди.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йилликкa мўлжалланган ва 1982 йилги планлари, деб ўқтириб ўтилди мажлисда, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатларига, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига мувофиқ, шунингдек СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари Ўзбекистон ССР олдига қўйган вазифаларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

Мажлисда план ва бюджет лойиҳаларининг тегишли бўлимларини олдиндан кўриб чиқиш учун тайёргарлик комиссиялари составлари, шунингдек уларнинг иш тартиби ва муддатлари тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

АЛОҲИДА БРОШЮРА

Сиёсий адабиёт нашриётида «Л. И. Брежнев: «Шпигель» (ГФР) журнали редакцияси саволларига жавоблар» брошюраси босиб чиқарилди. Брошюра кўп нусхада нашр этилди.

(ТАСС).

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА — МУСТАҲКАМ ЗАМИН

— Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, — дейди халқимиз. Бу доно нақлга амал қилган деҳқонлар экинлардан бўшаган ерларни шудгорлашга киришдилар. Тошкент область Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози далаларига ҳам ҳайдов тракторлари чиқарилди. 10 та ер ҳайдаш трактори дастлабки кунларданоқ юксак унумларда ишлатилмоқда. Суратларда: шудгорлашда пешқадамлик қилаётган тракторчилардан У. Уринов, О. Умаров, А. Ҳусанов, С. Саъдуллаев ўртоқлар ва ер ҳайдаш пайти.

А. Тўраев фотолари.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲАФТАЛИГИ

ЖАСОРАТ УЧУН ТУҒИЛГАНЛАР

З. П. ПУХОВА,

СССР Олий Совети депутати, Ивановодаги «8 МАРТ» тўқимачилик фабрикасининг директори

Совет кишиларининг барча авлодлари жасорат учун туғилган десам муболаға бўлмас. Буни жонажон диёрим — Иваново мисолида кўрса бўлади. Шаҳримизни С. И. Балашов, О. А. Варенцова, И. В. Бабушкин, Д. А. Фурманов, М. В. Фрунзелар Совет ҳокимияти учун олиб борилган курашларда шон-шуҳратларга бурканганлар. Айниқса, беш йилликлар мобайнида Иваново меҳнат шуҳрати маконига айланди. Ҳамюртларимиз Дуся ва Маруся Виноградовалар мамлакат тўқимачилик саноатида илк рекордлар қўйган эдилар. Жасорат эстафетаси бутун бунёдкорлик йиллари мобайнида давом этди. Юлия Вечерова олтмишинчи йилларда 70-йилларнинг янги рекордлари учун асос яратиб берди. Мария Куликова, Елена Амосова, Валентина Голубева, Алевтина Смирнова, Анастасия Ерофеева шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш ташаббусини бошлаб берган жасур мураббийларим ҳисобланади. Улар тимсолида меҳнатсеварлик ва қатъиятни, саховат ва фидойиликни ўргандим.

Меҳнат кишиси учун у ишлаётган муҳит жуда муҳим, дейишди. Бу ибора бизнинг Иваново диёримизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Фидокорлик, касбга садоқат тўқувчиларимизнинг она сути билан сингиб кетган фазилати ҳисобланади. Шу боисдан одамларимиз кундик қони тўкилган жойларига жуда боғланиб қолишган.

Тўқимачилар областимиз шуҳратини таратган жасоратли кишилар ҳисобланади. Инсон кўксида Қаҳрамонинг Олтин Юлдузи порлади дейлик. У бунга осонликча эришгани йўқ. Собитқадамлик, дадиллик, қатъият, касбига садоқат туфайли мўродига етди.

Менинг ҳаёт йўлим ҳам оддий тўқимачиларникидан фарқ қилмайди. Лекин саккизинчи беш йиллик ҳаётимда унутилмас из қолдирган йиллар бўлди. Ўша кунларни хотирамда жуда яхши сақлайман. Учўқсиз пневматик тўқув станоклари келтирилган дамлар ёдимда. У вақтда ниҳояти ўн уч йиллик стажим бор эди. Фабрикамиз модернизация қилина бошлади. Қардош Чехословакиядан дастлабки пневматик станок келтирилди. Ангелина Дерябкина билан Иван Филиппович Баймлер янги ускуналарда ишлаш сир-асрорини эринмай ўргатишди. План бўйича янги станокларни уч йил деганда ўзлаштириб олишимиз лозим эди. Биз бу муддатни бир йил қисқартиришга муваффақ бўлдик. Тўқувчи бир смена мобайнида станокдан станокка ўтиб, 14—16 километр масофани босиб ўтар, натижада кўп куч сарфлашга тўғри келарди. Мен шу маршрутни қисқартириб, узилган ипларни улашга кетадиган муддатни ҳам камайтиришга муваффақ бўлдим. Шу тариқа фабрикада биринчи бўлиб лойиҳада кўрсатилган меҳнат унумдорлигига эришдим.

— Ишга жуда дадил киришдинг, Зоя, — дейишди менга ҳамкасбларим.

— Мен бу дадилликни Ватанимда ўргандим. Ахир, шунчалик дадиллик бўлмаганида мамлакатимиз шу ёруғ кунларга ета олармиди?! Биз юртимиз тақдирида туб ўзгаришлар ясаган оммавий халқ қаҳрамонлигини дарсликлардан ўрганган эдик. Мана энди ўзимиз ҳам шундай қаҳрамонлик яратадиган кунлар етиб келди.

Олтмишинчи йилларнинг охирларида «Янги техникадан тўла самара билан фойдаланамиз!» ҳаракати бошланди. Мен ҳам бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигигача планга қўшимча равишда 87 минг метр газлама тўқишга қарор қилдим.

«Оқ олтин» республикаси — Ўзбекистон билан азалий қон-қардошлик алоқаларимиз бор. Афсонавий қаҳрамонлар М. В. Фрунзе, Д. А. Фурманов революцион жўшқинлик ва коммунистик ишчанлик намунасини ўзбек биродарларига ўзлари ва сафдошлари тимсолида сингдиришган эди. Менинг ўзим 1966 йилда Ўзбекистон пахтакорларининг қурултойида қатнашганман, «Минглар шартномаси» анъанасини давом эттириш мақсадида пахтакор хўжаликларда бўлишимга тўғри келган. Машҳур пахтакор Маннон Жалолов билан ўзаро мусобақа шартномасини тузганмиз. Меҳнат беллашувида ҳар икки томон муносиб муваффақиятга эришди.

Мамлакатимиз юксалди, у билан бирга одамлар ҳам камол топди. Менинг ҳаётимда ҳам унутилмас воқеалар юз берди. Шу йиллар ичида техникумни битириб, кейинчалик КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тугатдим. Ишчилар менга юксак ишонч билдириб, СССР Олий Совети депутатлигига сайлашди. Олий Совет сессиясида СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайландим. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига муяссар бўлдим. Оддий меҳнаткаш инсонга шунчалик эҳтиром кимни тўлқинлантирмайди дейсиз! Шундай қувончли дамларда машаққатли ёшлигим эсимга тушади. Отам уруш нақ қизиб турган дамларда, 1942 йилда жанг майдонида ҳалок бўлди. Онам биз, тўрт болани бир ўзи ишлаб, оқ ювиб, оқ таради. Айтмоқчи, азалдан оиламиз меҳнаткаш оила. Ҳозир ҳам шундай. Турмуш ўртоғим Валентин Алексеевич дурадгор. Тўнгич ўғлим Павел отасига тортиб, қурувчи, инженер бўлди. Николай мактабда ўқийди. Ўзим тўрт чақириқдан буён СССР Олий Совети депутатиман. Ижтимоий вазифалар давлат миқёсида жуда катта, ўзим учун эса улуғ ҳаёт мактаби.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида халқ истеъмоли молларини кўпайтириш, енгил саноатни замонавий машина-ускуналар билан қуроллантириш, ходимлар меҳнати ва турмуши шароитини яхшилаш тадбирлари белгиланган. Шунга кўра бизнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени «8 Март» тўқимачилик фабрикамиз мамлакатда биринчи бўлиб автомат фабрикага айлантирилади. Бу билан Ватан тўқимачилик саноати тараққиётида янги давр бошланади.

Россия Федерациясига бағишлаб ўтказилаётган зарбдор меҳнат ҳафталигида серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ажойиб муваффақиятларга эришувларини, 6 миллион тоннали улкан пахта хирмонини бунёд этишда зафар қозонишларини астойдил тилагим келади.

ТОШКЕНТ ИШЧИЛАРИ АҲДИ

Тошкент трактор заводининг ветерани, йўнувчи-токарь С. Коричев «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» меҳнат вахтасининг биринчи кунида бир ярим смена нормасини бажарди. Бошқа трактор-созлар ҳам топшириқни анча ошириб адо этишди.

Корхона коллективи Тошкентнинг барча ишчиларини зарбдор вахтада энг юқори иш унумига эришишга, иқтисод қилиш ва тежаш учун олиб борилаётган курашни кучайтиришга даъват этди. Бу мурожаат ҳамма жойда қизғин қўллаб-қувватланди. «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш», экскаватор, агрегат заводларида ва республика пойтахтидаги бошқа заводларда зарбдор вахта актив бошланди.

Республика машинасозлигининг байроқдори — «Ташсельмаш» заводида ана шу ҳаракат ташаббускорлари — КПСС XXVI съезди делегати Ю. Степаненко бошчилик қилаётган йўнувчи-токарлар бригадаси ва Б. Идрисхўжаев бошчилик қилаётган пайвандчилар бригадаси зўр ғайрат билан ишламоқда.

Енгил саноат меҳнаткашлари ҳам ватанпарварлик ташаббусига қўшилдилар. «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг коллективи беш йилликнинг икки йили планини 25 декабрда бажариш, топшириққа қўшимча равишда икки миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олди.

Юз минглаб тошкентликлар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар. Дастлабки зарбдор ҳафта РСФСРга бағишланди.

Ҳар бир совет республикаси шарафига зарбдор эстафета байроғи кўтарилади. Кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигига содиқ бўлган тошкентликлар СССР ташкил этилганининг 60 йиллигини янгидан-янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга аҳду паймон қилишган.

(ЎзТАГ).

ДЎСТ МАМЛАКАТГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси 10 ноябрь куни Тошкентдан Мозамбик Халқ Республикасига жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Тамбов область комитетининг биринчи секретари А. А. Хомяков, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари П. Я. Кошелев, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг ўринбосари И. И. Коваленко бор. СССРнинг Мозамбик Халқ Республикасидаги элчиси В. П. Вдовин ҳам делегация составига киради.

Делегация ФРЕЛИМО партиясининг иш тажрибаси билан танишади, КПСС ва ФРЕЛИМО партияси ўртасидаги ўзаро партиявий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилади.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Милиция ходимларини ҳуқуқ-тартиботни сақлаш солдатлари деб атайдилар. Ўзбекистон жамоатчилиги милиция профессионал байрамини бутун мамлакат билан биргаликда кенг нишонлади. Кўргазмалар, ички ишлар органлари ходимлари билан учрашувлар совет милициясининг ташкил этилганлигининг 64 йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон пойтахтида шонли сана шарафига тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди. Мажлис аҳли ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Қ. Эргашев совет милициясининг шонли ишлари тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитетининг раиси Л. Н. Мелкумов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Республика раҳбар ходимлар малакасини ошириш институтининг директори ўртоқ Акбар Умарович Умаровни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЕШЛАР КУЧИ БИРЛИКДАДИР!

Ўзбекистон йигит ва қизлари 10 ноябрь куни Жаҳон ёшлари кунини нишонладилар. Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида бирдамлик митинглари ва интернационал дўстлик кечалари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТЛАР МАКТУБИ

БРИГАДА ПУДРАТИ — КОЛЛЕКТИВ ҚУДРАТИ

Кўплар ҳавас билан: «Сиз бахтлисиз, партия съездига делегат бўлдингиз», — дейишади. Тўғри, Совет Иттифоқи коммунистларининг олий анжуманида республикамиз партия ташкилоти вакиллари қаторида қатнашиш ҳар бир киши учун юксак бахт. Лекин менимча, жонажон Ватанимизда туғилиш, унинг бағрида меҳнат қилишнинг ўзи катта бахт. Бу фикрим съезд давом этаётган кунлари бўлган бир воқеа туфайли яқада ойдинлашди: Съездлар саройида чет эллик делегатлардан бири мендан: «Қаердансиз?» — деб сўради. Таржимон орқали Ўзбекистоннинг энг жанубий области — Сурхондарёдан эканлигимни айтдим. Меҳмоннинг юзи ёришди, яна ким бўлиб ишлашимни сўради. Шофёр эканлигимни билиб: «О, шофёр — делегат, қаранг-а!» деди. Бу — бизнинг мамлакатимизда инсоннинг қанадар қадрланишини исботлайди.

Партия съездимиз фақатгина мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволини муҳокама қилмасдан, дунёнинг ҳозирги тараққиёти ва унинг қандай ҳолатда яхшироқ ривожланиш йўлини ҳам белгилаб берди. Бу йўл эса шубҳасиз, ер юзида тинчликнинг барқарор бўлишига боғлиқ. Чунки, тинчлик бўлмаса, ҳеч бир соҳада муваффақиятга эришиб бўлмайди. «Бир кун уруш бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилади», деб бежиз айтилмаган. Мамлакатимизда тинчлик ўрнатилганига 36 йилдан ошди. Лекин, урушнинг доғи ҳали одамлар қалбидан кеттани йўқ. Мен уруш йилларида 4—5 ёшда эдим. Уруш оқибатида одамлар қанчалик қийналишганини озми-кўпми биламан. Унинг доғи менинг қалбимда ҳам бор. Тинчлик ўрнатилгандан буён ўтган қисқа даврда юртимизда турмуш ниҳоятда фаровон бўлиб борди. Ҳамма жойда техника, электр, газ... Съездимиз ана шундай фаровон ҳаёт яратишнинг бош манбаи бўлган тинчликни дунёда мустаҳкам сақлаш тўғрисида жуда ажойиб фикрларни ўртага қўйди.

Ҳа, халқимизнинг, ота-боболаримизнинг аввалги турмуши билан ҳозирги ҳаётимиз ўртасидаги фарқ тун билан кундуздек фарқ қилади. Бироқ, кишиларимиз тобора яхшироқ яшашни хоҳлайдилар. Съездимизда бу масала ҳам очиқ-ойдин айтилди ва совет кишиларининг турмушини тобора фаровонлаштириш тадбирлари кенг муҳокама этилди. Съездда иштирок этиб, бу масалаларнинг муҳокамасини кузатар эканман, жонажон партиямиздан фахрланиб кетдим.

Съезддан қайтгач, бригадамизда пудрат методини қўллашга қарор қилдик. Бу методнинг афзаллиги шундаки, бригадада биронта ҳам автомашина ишсиз турмайди. Бизнинг, бригадамизга биркитилган икки слесарь дарҳол тузатади. Бригада аъзоларидан бирон кишининг вақтинча ишга чиқмаслиги салбий таъсир қилмайди. Иш ҳақини эса йўл варақаси асосида оладилар. Ишда активлик кўрсатган шофёрга коэффициент қўшиб ёзилади. Ишларнинг қанчалик тўғри бажарилишини бригада совети назорат қилиб боради. Бригадамиз шофёрларининг ўртача ойлик иш ҳақи 392 сўмга тўғри келмоқда. Энг илғор шофёрлар ойига 450—500 сўмдан иш ҳақи олишга эришмоқдалар.

Бригадамизга Шўрчи асфальт-бетон заводини хом ашё билан таъминлаш вазифаси топширилган. Бошқача айтганда, Шўрчи асфальт-бетон заводи ва область йўл қурилиш бошқармасининг 1-механизациялашган қўчма колоннаси иўлсозлари билан ҳамкорликда ишлаймиз. Шиоримиз: «Аъло сифат ва юксак самарадорлик учун». Вирбиримизнинг ишларимиз самараси, сифатини назорат қилиб борамиз. Мен 1984 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилянман.

Коллективимизда ҳамма ҳайдовчилар фидокор ва софдил. Уларнинг кўпи областимизнинг Аму-Занг машина каналлари, Шеробод каналининг ўнг тармоғи, Оқ қопчиғой, Айбарак каналлари, Тўпаланг гидроузели, Қуруқсой тўғони каби йирик қурилиш объектларида бригаликда меҳнат қилиб, синашта бўлиб қолган, Айниқса, Чори Қурбонов, Сафар Кенжаев, Раҳмон Мавлонов, Хўжам Усмонов, Абдимурод Сайфиддинов, Бўри Авазов, Тоғаймурод Қурбониёзов, Тожи Лолаевлар катта тажриба эгаларидир.

Яқинда бригадамиз коллективи маслаҳатлашиб, КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб беришга қарор қилдик. Съезд делегатининг бригадаси сифатида беш йиллик топшириқни уч йилда бажариш мажбуриятини қабул қилдик. Кўпчилик ҳайдовчиларимиз 1982—1983 йиллар ҳисобига меҳнат қилишяпти. Бригада пудрати методида ишлай бошлаганлигимиз туфайли ҳамма шофёрларимиз кунлик топшириқларни бир ярим ҳиссадан ошириб бажармоқдалар. Партиямиз олий анжуманида илгари сурилган юксак программалар бизни янада баракали меҳнат қилишга ундамоқда. Ўзим 1985 йил охиригача ўн иккинчи беш йиллик плани даражасида иш бажаришга сўз берганман.

Кези келганда шуни айтмоқчиманки, баъзи ёшлар коллективга келгач, бир-икки йил ўтмасданоқ ишдан ором, мукофотлар талаб қилиб қолишади. Кўнгиллари озгина нарсадан қолиб, бошқа коллективга ўтишга шошиладилар. Йўқ, ҳалол меҳнат асло ерда қолмайди. Эл эътиборини қозониш учун астойдил интилиш керак.

Партиянинг шиори ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун эканлигини совет кишилари яхши биладилар. Билганлари учун ҳам партия сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлайдилар. «Аммо, биз ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаслигини ҳам биламиз. Турмуш шароитларини ҳар қандай яхшилашга совет кишиларининг ўзлари зўр ғайрат билан қилган меҳнат туфайлигина эришиш мумкин», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқида. Жуда адолатли, ҳар томонлама ўйлаб айтилган гап бу. Бу ган ҳар бир совет киши учун ҳаётий программа бўлиб қолиши.. ҳар бир киши съезд қарорларига ўзининг ҳалол ва онгли меҳнати билан амалий жавоб бериши керак.

Дамин МАМАТҚУЛОВ,
Шўрчи районидаги 77-автокорхона шофёрлар бригадаси бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати.

СССР 60

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — ОЛТМИШ ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК!

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ КЎПАЯВЕРСИН

Россия Федерацияси ҳафталиги



Ростов атом электростанцияси ўн биринчи беш йилликда ишга туширилади. Ҳозир баш корпусда ишлар олиб борилмоқда. Дастлабки энергоблок 1985 йилга саноат токи бера бошлайди. Суратда: асосий корпуснинг қурилиш майдончасида.

* * *

Москва бунёдкорлари шаҳарсозлигида ажойиб зафарларни қўлга киритишмоқда. Шимолий Чертанов микрорайони энг замонавий шаҳарчага айланади. Ҳар бири 1000 квартирани ўз ичига олган 16 қаватли бинолар қурилади. 25—30 қаватли минорасимон уйлар микрорайон ҳуснига-ҳусн қўшади. Суратда: Шимолий Чертанов яқин келажакда шундай кўринишга эга бўлади.

ТАСС фотохроникаси.

МЕТАЛЛУРГЛАР ЮТУҒИ

Челябинск металлургия заводида яқинда катта ғалаба қўлга киритилди. Бу ерда иккинчи конверторни реконструкциялаш муддатидан илгари тугалланди. Ю. Наумов етакчилик қилаётган смена коллективи янгидан тикланган агрегатда дастлабки 100 тонна пўлатни эритишга муваффақ бўлди.

Хўш, бундай муваффақиятнинг омили нимада? Маълумки, ишлаб турган цех шароитида икки ойдан камроқ вақтда қудратли пўлат эритиш агрегатини тўла-тўкис алмаштиришнинг ўзи бўлмайди. Челябинскликлар мазкур муаммони ҳал этишда энг оқилона йўлни танладилар. Улар реконструкциялаш муддатларини қисқартириш учун монтажлаш ишларини созлаш жараёни билан бирга қўшиб олиб бордилар.

Корхонани реконструкциялаш туфайли Верх-Исет металлургия заводи учун ниҳоятда зарур бўлган камёб трансформатор пўлати ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, айни пайтда ишлаб чиқариш маданиятини ошириш имконияти яратилди.

Интернационал бурчга садоқат: Ўзбекистон — Ноқоратупроқ ўлкага

ТАНСИҚ ҲОСИЛ ҚУВОНЧИ

Деҳқонинг кўкрагига шамол тегди, дейдилар. Бу, нима дегани? Мўл ҳосил етиштирилганда шундай бўлади. Бу — унинг яйраганини, хумордан чиққани, меҳнати эсе кетмаганидан қувонгани. Шундай паллада деҳқон йил бўйи меҳнат қилган даласида яйраб нафас олади, ҳосили чўғи унинг қалбига завқ бағишлайди.

Мирзачўлда ишлаган йилларимда шеркелбат, қорачадан келган, миқти гавдали уста пахтакор Ғанишер Юнусовнинг даласида кўп бўлганман. Асли андижонлик бу пахтакор Мирзачўлда бахт топди. Мирзачўл ерларидан рекорд ҳосил етиштиришнинг ҳаддини олган, самарали меҳнатдан эвазига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга мушарраф бўлган. Ўша йиллари юз гектар чамаси келадиган майдонда ҳосили пишиб етилган паллада дала шийпонига бориб қолдим. Тушлик овқатдан кейинги хушкайфият устидан чиқиб қолганим ҳалиҳали хотирамда. Кимдир ғўза қатор ораларини айланиб юрганда очилган пахтани кўриб қолгану суюнчига деб узиб олган, қараса, қўшалоқ барака ҳосил экан. Чаноқлардан тошай деб турган барака ҳосилни Ғанишер акага кўрсатиб суюнчисига ўйнаб берасиз деган. Хурсандчилик боисини Ғанишер бригадирнинг «Андижон полкаси»га рақсини тамоша қилиб бўлгандан кейин билиб олгандим.

Ноқоратупроқ ўлкадаги ҳамюртларимизнинг ишлари билан танишиб юрган кунларимда Мирзачўлдаги хотираларим яна ёдимга келди. Бунинг сабаби нима экан? Мирзачўл қаёқда-ю Ноқоратупроқ ўлка қаёқда! Орада минглаб километр масофа. Хотираларимнинг тикланишига Ноқоратупроқ ўлкада ҳам Мирзачўлни ўзлаштирганлар билан учрашганларим сабаб бўлмаганмикан? Дарҳақиқат, Мирзачўлу Жиззах, Қарши даштларини ўзлаштиришда қатнашган азаматларнинг кўпчилиги Ноқоратупроқ ўлкада ишлашяпти. Улар Ўзбекистонда янги ерлар ўзлаштириш қонунларини ишлаб чиқишда, Новгород, Иваново ва Владимир областларида кенг қўллаб, Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан иборат ишга катта мадад кўрсатишяпти.

Новгородда қурилиш объектларини айланиб юриб, Шимск районига бориб қолдик. Ҳамроҳим — «Узновгородводстрой» трести бошқарувчиси Георгий Владимирович Маградзе ҳосил тўғрисида олиб бормоқчилигини айтди. Ҳосил байрами бизда, пахтакорларда кеч кузда бўлгувчи эди. Бу ерда, Ноқоратупроқда ёз тугамасдан бошланибди. ... Шу ҳаёлда эканман, ҳамроҳим машинани тўхтатишни буюрди. Машинадан тушиб Георгий Владимирович билан ёнма-ён борар эканман, кечки изгирин эсиб турибди-ю музика садолари авжига чиқар эди. Ўрмон бағридаги кенг ороғмоҳда Шимск районидаги «Завети Ленина» совхози ишчи-мутахассислари билан Ўзбекистондан борган ирригатор ва мелиораторларнинг вакиллари тўпланишганди. Қадаҳ кўтариш чоғидаги сўзлар ва ўзаро суҳбатларидан маълум бўлдики, бу тантана республикамиз вакиллари Ноқоратупроқ ўлкада бажарган ишларнинг дастлабки самараларини нишонлашга бағишланган дўстона учрашув маросимларидан бири экан.

Воқеанинг тафсилоти бундай: Ўзбекистонликлар Новгород ерига борганларида дастлаб Шимск районида иш бошлашди. Албатта, шиппшйдам дала эди. Атрофи ўрмонлар билан қопланган майда пайкаллар. Марказдан узоқ. Чодирларда яшашга тўғри келди. Изгирин шамол. Қаттиқ совуқ. Дастлабки уй-жой бинолари, кейин маданий-маиший объектлар қурилди. Мелиораторлар майдонларни ялдиз ва тўнкалардан тозалашди, сув тармоқлари бунёд этишди. Ишлар шу зайлда давом этди. Мана, дастлаб ўзлаштирилган экинзорлардан тансиқ ҳосил — биринчи хирмон кўтарилди. Чўғи қалбларни қувонтиргудай. «Завети Ленина» совхозининг Ўзбекистондан борган механизаторлар ўзлаштирган майдонларида галла ҳосилдорлиги 42 центнерга етди. Кичик майдонларни йириклаштириш давом этмоқда. Кенг майдонларда механизациядан фойдаланиш учун катта имкониятлар очилиши эндиликда совхоз деҳқонларига маълум бўлиб қолди.

Республикамиз вакиллари янги ерларни ўзлаштириш борасида тўпланган тажрибаларини кенг қўллаш туфайли мамлакатимиз шимолидаги ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётганликларига кўп мисоллар келтириш мумкин. Новгород яқинидаги «Волна революцин» совхози меҳнаткашлари ва уларнинг Ўзбекистонлик биродарлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини деҳқончиликда мўл ҳосил билан нишонладилар. Янгидан ўзлаштирилган майдонларда ҳар гектар ердан 52 центнердан жавдар йиғиштириб олинди.

Ўзбекистон — Ноқоратупроқ ўлкага! Ҳозирги кунда бу сўзлар катта даъват, умумхалқ ишига сафарбар қилувчи чақириқ бўлиб янграмоқда. Бу тушунчада халқлар ленинча дўстлигиниг яна бир ёрқин намойиши мужассамдирки, у партия XXVI съезди белгилаб берган улуғвор бунёдкорлик режаларини муваффақиятли бажаришга ёрдам беряпти. Ўзбекистон Ноқоратупроқ ўлкага кўрсатиладиган ёрдамни тобора кучайтирмоқда. Ана шундай ёрдам, ўзаро ҳамкорлик туфайли мамлакатимизнинг қудрати ортиб боряпти. Ҳар бир ишнинг аввали қийин бўлади, дейишади. Агар белни маҳкам боғлаб ишга киришилса, унинг натижалари тезда кўзга ташлана боради, қалбларни қувонтиради. Ноқоратупроқ ўлкани яшнатишдан иборат катта ишда дастлабки ютуқлар қўлга киритилган, тансиқ ҳосил йиғиштириб олинган экан, бу — катта ишнинг бошланиши, албатта. Ҳали ҳамма қувончлар, мўл ҳосил нашидаси олдинда. Томчилардан ирмоқлар вужудга келади, ирмоқлардан кўллар, уммонлар яралади, дона донлар тўпланиб хирмонлар тикланади. Бу хирмонлар чўғи йил сайин ортиб боради, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига мададимиз миқёсини ошириб боради.

Ана шу эзгу ният йўлида республикамиз вакиллари Ноқоратупроқ ўлкада баракали меҳнат намуналарини кўрсатаётирлар. «Узпарфиноводстрой» қурилиш ишлари бошқармаси объектларида бўлганимизда бунга тўла қаноат ҳосил қилдик. Бошқармаси биносида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи қилпираб турган мелиораторлар коллективи меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан оширишга, суғориш тармоқлари қурилиши сифатини яхшилаб боришга муваффақ бўлмоқдалар. Бу йил бошқарма мелиораторлари «Дружба» сут-сабзавотчилик совхози қурилишда минг гектар ернинг сувини қочириш, юзлаб километр ёпиқ зовурлар барпо этиш, магистрал каналлар бунёд қилишлари лозим эди. Уста механизатор Валерий Баженин бригадаси ботқоқликларга ҳужум бошлади. Устама наряд асосида ишлаш ташаббуси билан майдонга чиқан механизаторлар объектнинг дастлабки навбатини — 412 гектар майдонни экинзорга айлантириш ишларини июнь ойида тугаллашга сўз бердилар. Сўзи билан иши бир бу коллектив аъзолари ваъдаларига вафо қилдилар. Совхоз ҳозирнинг ўзидаёқ ўзлаштирилган янги ерда чорва озуқаси учун хашак боп экин унидириб олди.

Бошқарманинг 1-колоннаси бошлиғи Рустам Султоновнинг ҳисоб-китобларига кўра, хўжалик ҳисоби асосида иш тутиш яхши самаралар берянти. Қилинган ишга муносиб натижага қараб баҳо бериш тартиби жорий этилган. Ягона наряд бўйича катта объектларда хилма-хил техника воситаларини мароздаштириш ишнинг муваффақиятини таъминлаяпти. Бунда машина-механизмларга хизмат кўрсатиш, ремонт ишларини бажариш асосланишигина қолмасдан, механизаторларнинг бир-бирларига кўрсатадиган ўзаро ёрдамлари, ўхшаш касбдагиларнинг ҳамкорлиги кучаяди. Айтайлик, ерларни ялдиз ва тўнкалардан тозаловчилар ишни бажариб бўладилар-у, канал очувчилар ортда қоладилар. Иссиқ қиллар оз бўладиган Новгородда буидан нима фойда? Мелиораторлар шу ҳақда ўйлаб, ҳисоб-китоблар қилиб техника воситаларининг бир қисмини қолоқ участкага сафарбар этишга ва шу тарика қолоқликни бартараф қилиш ҳақида таклиф киритдилар. Маъмурият ва партия ташкилоти бу ташаббусни маъқуллади. Шу тарзда иш ерни тозалаш, суғориш тармоқларини бир вақтнинг ўзида тугаллаб, майдонларни пешма-пеш фойдаланишга топширишга имкон бермоқда. Бу эса ўз навбатида ишларнинг бир меъёрда борили, механизмлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энг муҳими, меҳнат унумдорлигини муттасил юксалтириб боришга йўл очяпти. Коммунист Шавкат Ёрмуҳамедов бошқараётган комсомол-ёшлар экипажи механизаторлари смена топшириқларини 150 процентдан бажара бориб, ўзларига бириктирилган объектни муддатидан илгари — Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги байрами арафасида тўла-тўкис фойдаланишга топширишни таъминладилар.

Ҳамюртларимиз Ноқоратупроқ ўлкада, революция қаҳрамонларини, Европа халоскорларини, космоснинг илк зафаркорларини етиштирган Россия ерларида ана шундай меҳнат қилмоқдалар. Янги совхозлар, агрокомплекслар, тўкис посёлкалар бунёд этмоқдалар.

Бу билан ўз оғалари — улуғ рус халқига бўлган меҳр-муҳаббатларини амалда ифода этмоқдалар. Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштириш-дек қийин ва мураккаб, шу билан долзарб ишда қардошлари билан бир сафда туриб, ташаббускор меҳнат намуналарини намойиш этмоқдалар.

Ж. ҲОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Тошкент-Новгород-Иваново.

АЪЛО СИФАТ БИЛАН

Марғилон ипак комбинатининг ишчилари СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигига бағишланган мусобақада байроқдорлик қилмоқдалар.

Мусобақа шарофати билан кўпгина ишчилар ҳозирнинг ўзида 5 йилликнинг тўғиғ йили планини бажаришга муваффақ бўлишаётир. Жумладан, Б. Яхшибоева, С. Воробьева, К. Сальниковалар йиллик топшириқни бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Зарбдорчасига меҳнат қилаётган бу пешқадам ишчилар томонидан 40 минг 768 погон метр газлама ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи сортга топширилди.

М. МАҲМУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Муқаддас Иттифоқимизнинг 60 йиллигига қизғин тайёргарлик кўришга киришган республикамиз меҳнат аҳли дастлабки зарбдор ҳафталикни Россия Совет Федератив Социалистик Республикасига бағишлади. Суратда: Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинатининг илғор ишчиси Клара Қаршиева. У зарбдор ҳафталикда зарбдорларча меҳнат қилиб, кунлик топшириқларни мунтазам ошириб адо этмоқда. Бир кечакундузда 6—7 минг квадрат-метр сифатли линолеум ишлаб чиқараётган корхона муваффақиятида унинг муносиб ҳиссаси бор.

В. Сироткин фотоси.

ИЛҒОРЛИККА ИНТИЛИБ

Самарқанд консерва заводи коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллик байрамини муносиб совғалар билан кутиб олди. Корхонадаги ишлаб чиқариш илғорларидан 55 киши ҳозирги кунда 1982 йилнинг май-сентябрь ойлари ҳисобига меҳнат қилаётир. Бригада бошлиғи коммунист Мусо Мустафоев, маҳсулотни жойлаштирувчи Галина Бакликова, ишчилардан Раиса Костева, Жавот Қосимов, Аблакин Миналиевлар шулар жумласидандир. Бу азаматлар бир беш йилликда икки-уч беш йиллик топшириқни бажариш учун курашиб олиб боришмоқда.

Консервачилар ўн биринчи беш йилликда эл дастурхонига 45 минг 300 тонна майиз етказиб беришмоқчи. Бу эса ўнинчи беш йиллиқда тайёрланганидан 12,5 минг тонна кўп демакдир.

Ф. ТОШЕВ.

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ИЎҚЛАМАСИ: АНДИЖОН — НАМАНГАН

ЯКУНЛАР ТАҲЛИЛИ

1981 ЙИЛ ПЛАН ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш, ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантиришга бел боғлаган Андижон ва Наманган областларининг меҳнаткашлари 1981 йил давлат планларини тўла ҳамда ошириб бажариш мақсадида ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Улар ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида далаларда, фермаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Йилнинг учинчи квартали якунлари ҳар иккала область меҳнаткашлари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, ҳалқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида белгиланган юксак марраларни эгаллаш, ўз мусобақадошларидан орқада қолмаслик учун барча зарур чораларни кўраётганликларидан далолат беради.

Республикамизда пахта тайёрлашнинг кундалик маълумотига назар ташласангиз, мусобақада наманганликлар олдинда бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Область пахтакорлари бу йил белгиланган ҳалқ хўжалик планига кўра 455 минг, зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари билан 500 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» ҳосили етиштиришга бел боғлашган. Бугунгача областда 440 минг 600 тонна пахта тайёрланиб, план 96,84 процент адо этилди. Бунинг 282 минг 329 тоннаси «заангори кема»ларда йиғиб олинди. Бу ерда ингичка толали пахта тайёрлаш борасида эришилаётган ютуқлар ҳам чакки эмас. Бугун шуни маълум қилмизки, область бу соҳада план топшириқларини республикада иккинчи бўлиб бажарди. Октябрь ойига қадар давлатга 11 минг 813 тонна картошка, 109 минг 684 тонна сабзавот, 34 минг 751 тонна мева, 28 минг 445 тонна узум, 23 минг 81 тонна полиз маҳсулотлари сотилди. Бу рақамларнинг ҳаммаси шу соҳалар бўйича белгиланган планларнинг зиёди билан бажарилганлигини кўрсатиб турибди.

Бироқ, область хўжаликлари фермаларида гўшт (тирик вазнда), сут, тухум, етиштириш, жун қиркиб олиш, чорва молларни туёқ сонини ўстириш, қишлов учун ем-хашак жамғариш топшириқлари ижросида кўзланган натижаларга эришилмади. Бу, область чорвадорларидан йилнинг қолган қисқа даврида бутун диққат-эътиборни, куч-ғайратни ана шу тармоқлар план топшириқларининг ижросига қаратишни, гўшт ва сут комплекслари, парандачилик фабрикалари қувватларининг иш самарадорлигини тобора оширишни талаб қилади.

Мусобақадош Андижон области меҳнаткашлари бу йил табиат қийинчиликларини кўп тортди. Бироқ, сўзи билан иши бир андижонликлар партия ташкилоти раҳбарлигида табиий офатларни енгиб ўтиб, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ғарчанд, ҳозирги кунларда область пахта тайёрлаш суръатида охирги ўринлардан бирида бораётган бўлса-да, сўнгги кунлар терим суръати, меҳнат аҳлининг уюшқоқлиги андижонлик пахтакорларнинг съездлар йилида 590 минг тоннадан юксак хирмонни шубҳасиз, яратажакларидан далолат бериб турибди. Битта истак: область партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари айрим колхозсовхозларда ҳукм сураётган машина терими сусткашлигига барҳам беришлари, кунлик терим графикларининг аниқ бажарилишини таъминлашга эришишлари лозим.

Областда картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум етиштириш, чорва қишлови учун табиий пичан жамғариш топшириқларининг ижроси ҳам бирмунча эътибор талаб қилади. Айниқса, қорамол ва парранда гўшти (тирик вазнда), сут етиштириш планлари бажарилишининг бугунги кўрсаткичлари талаб даражасида эмаслиги кишини ташвишлантиради. Чунончи, ўтган уч квартала пландаги 23,6 минг тонна ўрнига 17,8 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 78,5 минг тонна ўрнига 58,9 минг тонна сут, 28,5 миллион дона ўрнига 20,9 миллион дона тухум етиштирилди, холос. Чорва қишлови яқинлашиб келаётган шу кунларда табиий ўт жамғариш топшириғи 88,2, қуритилган сунъий ўт уни тайёрлаш плани эса 96 процент атрофида тўхтаб турганлигини ҳам нормал ҳол, деб бўлмайди.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

КЎЧМА КИНО

Ғузор райони кўчма кино механиклари пахта йиғим-терими авж олган шундай долзарб дамларда дала меҳнаткашларига айниқса намунали хизмат кўрсатишмоқда. Улар колхозма-колхоз кезиб, даланинг ўзида кино кўрсатиб, пахтакорларнинг дам олиш пайтларини кўнгилдагидек ўтказишларига ҳиссаларини қўшмоқдалар. Куни кеча улар райондаги «Партия XXII съезди», «Ҳалқобод» колхозлари пахтакорлари хузурида бўлдилар. Я. Шарипов, Ҳ. Ҳакимов, Э. Норминглиев, М. Норматов каби киномеханикларнинг бу борадаги хизматлари тақдирланишга лойиқ. **К. МАВЛОНОВ.**

РАВОН ЙЎЛЛАР

«Қизил байроқ» массиви — Боруний районидаги машъал Навоий номли колхознинг янги ўзлаштирилган участкаси. Унда кўплаб пахта, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Чўлни бўстонга айлантираётган массив меҳнаткашларига кун сайин янгидан-янги қулайликлар яратилмоқда. Илғор чироқлари порлаб турган массивда 8 километр узунликдаги йўл қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Кўплаб уй-жойлар қад кўтармоқда. Ҳадемай, массив жамоли чирой очади. **С. ОЛЛОМОВ.**

ЯНА БИР МЕҲМОНХОНА

Хива шаҳрида қад кўтараётган замонавий типдаги меҳмонхона қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда. Уни 167-қурилиш трестига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг Р. Абдуллаев бошлиқ қурувчилар бригадаси бунёд этаётирлар. Меҳмонхона қурилишида 489 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача 310 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қурилишда бинокорлардан Б. Мадримов, Б. Хўжаев, Р. Отамуродов, Х. Бобожонов, А. Русанов ўртоқлар намуна кўрсатиб ишламоқдалар. **И. ЭШЖОНОВ.**

КУЗГИ ШУДГОР—МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

1982 ЙИЛ ХИРМОНИНИ КЎЗЛАБ

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1982 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни муваффақиятли ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини кўтаринки руҳ билан қутиб олдилар, келаси йили пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин яратишга даъват этувчи ҳужжат сифатида қабул қилмоқдалар. Қарор асосида кузги-қишки тадбирларни белгилаб, изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Қуйида республика юқори ҳосил усталарининг шу хусусдаги фикрлари газетхонлар эътиборига ҳавола этилади.

ИККИ ЯРУСЛИ ПЛУГДА

Абдуфаттоҳ СОЛИЕВ,
Бўз районидаги «Ленинчи» совхози бўлим бошқарувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Бободеҳқонлар «деҳқончилик куздан бошланади» дейишади. Ҳақиқатда келаси йил юқори ҳосилига шу йил кузда ҳамиртуриш ташланади. Пахтазорларни кузда ер шароитига қараб икки ярусли плугларда чуқур шудгор қилиш пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шартидир. Ер чуқур шудгор қилинганда қиш давомида ёққан ёмғир ва қор тупроқнинг қуйи қатламига яхши сингиб, донадорликни оширади. Тупроқ қатлами музлаши оқибатида қишлоқ хўжалик зараркунандалари қирилиб кетади. Эрта баҳорда ерни бороналаб ёки чизеллаб экинлар экишга шароит яратилади.

Деҳқонлар орасида «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган мақол бор. Бунинг маъноси шуки, кузда бир супра ҳам майдон қолдирилмай чуқур шудгорланган ер қиш бўйи кўпчиб донадор ҳолга келади. Ўзида иссиқлик ва намни кўп тўплайди. Натижада баҳорда экилган чигит ёки бошқа экинлар уруғи тупроққа тушиши билан кўкариб чиқади. Пахтакор деҳқонларимизнинг шу кунлардаги бош вазифаси борлиқ пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш, план ва мажбуриятларни шараф билан бажариш, айни кезда ғўзапоями барвақт йиғиштириб, ерларни чуқур шудгорлаб қўйишдан иборатдир.

Бўлимимиз пахтакорлари чўлда деҳқончилик қиладилар. Шароит анча оғир бўлишига қарамай гектаридан мунтазам 40—42 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтармоқдалар. Бу йил 45 центнерлик ҳосил маррасини эгаллаш ниятидамиз. Шунча ҳосил бор, уни тез кунларда тўла йиғиб-териб оламиз. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пахта майдонларини ўтган йили кузда минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаб, чуқур шудгор қилганимиз туфайли пахтадан юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдамиз. Бу йил ҳам пахта ерларимизни яхшилаб шудгорлаймиз. Агротехниканинг кузги-қишки тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, келаси йили 50 центнерлик ҳосил чўққисига кўтарилиши учун пухта замин яратамиз!

ОМИЛКОРЛИК ВА ҲОСИЛДОРЛИК

Бойтўра КУМАКОВ,
Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Пахтакорларнинг ташвишлари кўп бўлади. Бир йил ҳаво серёғин келса, иккинчи йили сув танқислиги юз беради. Баъзан ҳашарот ва зараркунандалар кўпайса, баъзида куз эрта тушади. Лекин булардан қатъи назар агротехниканинг кузги-қишки тадбирларини ҳалоллик билан амалга оширган деҳқонлар қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил олаверади.

Бизнинг бригадамиз гектар ҳисобига 65—70 центнердан пахта етиштирмоқда. 1981 йил пахтачилик учун ноқулай келишига қарамай йиллик планни шараф билан бажардик, мажбуриятимизни ҳам сўзсиз адо этамиз.

Мавсум охирида йиғим-теримни конвейер усулида ташкил қиламиз. Сўнгги чаноқлар териб олиниши билан ғўзапоями йиғиштирамиз. Ҳар гектар ер ҳисобига картограммада белгиланган миқдорда минерал ва органик ўғитлар солиб, 40—45 сантиметр чуқурликда шудгорлаймиз. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам гектар ҳисобига 15—20 тонна гўнг, қўй қийи, эски иморатларнинг тупроғи, паррандалар чиқиндиси ва бошқа хил органик ўғитлар солишини таъминлаймиз. Бу ўғитлар шудгор пайтида тупроқнинг қуйи қатламига тушади ва қиш бўйи тупроқни қиздириб, донадорлигини оширади. Эрта баҳорда чигит экиш вақтида яна ўғитлар соламиз. Бунинг учун қиш фаслида минерал ва органик ўғитларни етарли миқдорда жамгариб қўямиз. Бригадамиз бўйича кузги шудгорлашни узоғи билан бир ҳафтада тугаллаймиз.

ШЎР ЮВИШ—МУҲИМ ИШ

Тўхтахон ЕҚУБОВА,
Тўрткўл районидаги «Намуна» колхози бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Биз Ўзбекистон партия ва ҳукумати қарорида баён этилган фикрларга кўшиламиз. Тошкент технологиясини кенг қўллаётган хўжаликларда асосий ишлар ҳажми кузда бажариб қўйилаётгани, натижада пахта ва бошқа экинлардан мўл ва эрта ҳосил олинаётгани жуда тўғри кўрсатилган. Ҳамма жойда шунга эришмоғимиз керак.

Районимиз ва колхозимиз шароитида пахта майдонлари тез шўрланиб туради. Сабаби шуки, сизот сув ўта юза жойлашган. Сизот сув ва шўрни камайтирмай туриб, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам асосан қиш фаслида сув иншоотларини тозалаб чуқурлаштирамиз, ҳар бир пайкалда камида икки-уч марта шўр ювиш ўтказамиз. Баҳорда туз яхши эриган майдонларни боронолаб чигит экамиз.

Бу йил бригадамиз бўйича гектаридан 55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз. Ғўзапоями барвақт йиғиштириб оламиз. Келаси йили пахтадан янада юқори ҳосил етиштириш учун куз ва қиш фаслларида нималарни қилиш керак бўлса, ҳаммасини қиламиз.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бригадамиз, колхозимиз, районимиз, қолаверса, автоном республикамизда бегона ўтларга қарши қаттиқ кураш олиб бориляпти, гербицидлардан оқилона фойдаланиляпти. Кўкламга тараддуд ишларини куз ва қиш фаслида тўла меъёрига етказиб қўямиз.

ТЕХНИКА—ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Абдусамат САИДМУРОДОВ,
Боёвут районидаги «Боёвут» совхоз-техникуми бригадир-механизатори, СССР Давлат мукофоти лауреати.

— Техника пахтачиликда қудратли кучга айланди. Хўжалигимиз бўйича шу кунга қадар 20 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланди. Тўғриси айтганда, машиналар бўлмаганда бунча ҳосилни йиғиб-териб олиш амримаҳол эди. Ҳамон «зангори кема»лари ишлатяпмиз. Натижада узоғимиз яқин, оғиримиз енгил бўляпти.

Лекин олдимизда ғоятда муҳим вазифа турибди. Борлиқ ҳосилни жуда қисқа фурсатда сўнгги граммларигача йиғиштириб олмоғимиз, айни кезда келаси йил юқори ҳосилига замин яратмоғимиз зарур. Бу ғўзапоями зудлик билан йиғиштириш, ерларни ўғитлаш, чуқур шудгорлаш, яхоб бериш, шўр ювишни сифатли ўтказиш дегани. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашни бутун чоралар билан кучайтирмоғимиз керак.

Механизаторларимиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистонимизнинг 6 миллион тонналик «оқ олтин» карвонида олдинда бормоқдалар. Энди теримни конвейер усулида олиб бормоғимиз, пешма-пеш ғўзапоями йиғиштириб, ерларни чуқур шудгорламоғимиз лозим. Пахта майдонларини кузда сифатли шудгорлаш келаси йили пахта ҳосилдорлигини гектар ҳосибига 5—6 центнер ошириш имкониятини беради.

Биз бригадамиз бўйича гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, планимизни ортиғи билан бажардик. Ҳозир ҳар гектар майдонда яна 4—5 центнер ҳосил бор. Уни ҳам тез кунларда териб оламиз. Шундан кейин ер ҳайдаш тракторларини тўла қувват билан ишлатиб, кузги шудгорлашни беш иш кунида тугаллаймиз. Шудгорлашдан олдин ерга солинадиган минерал ва органик ўғитларни тайёрлаб қўйдик. Совхоз - техникумимизнинг барча бригадалари, бўлимларида ҳам шудгорлашни тез ва соз ўтказиш тадбирлари белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шовот районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари йил сайин қувончли натижаларни қўлга киритяптилар. Ҳозиргача ҳар бир сигирдан 3 минг килограммдан сут соғиб олган «оқ чашма» бунёдкорлари область кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муяссар бўлишди. Суратда: сут-товар фермасининг пешқадам сут соғувчиси Г. Шарипова ва Ж. Иброҳимовалар.

А. Тўраев фотоси.

Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг юқори ҳосилли Бардибой Ҳайитбоев бошлиқ бригадаси илғор теримчиси Меҳри Пардабоева ўзаро мусобақада нарвонбошилик қиляпти. Кунига 150—160 килограммдан «оқ олтин» тераётган чевар теримчининг шу кунгача уйган хирмони 6,5 тоннадан ошиб кетди. Суратда: М. Пардабоева.

К. Абдуқундузов фотоси.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОФИЯ. Пойтахтда машҳур «Арома» фабрикаси коллективи Совет Иттифоқига ўз маҳсулотини етказиб бериш йиллик планини муддатидан уч ой илгари бажарди. Фабрика Болгарияда биринчи бўлиб «СССР учун маҳсулотга — ишчилар кафолати» деган шиор остида бошланган социалистик мусобақага қўшилди.

Совет харидорлари бу йил бизнинг корхонамиз тамғаси босилган ўнлаб янги хил косметика маҳсулотларини олдилар, деди «Арома» директори Стамен Гуновский ТАСС мухбирига. Биз келгуси йилда экспорт қилинадиган буюмлар турини яна 70 тага кўпайтирамиз. Биз Совет Иттифоқидаги бир қанча корхоналар билан, жумладан Москвадаги «Свобода» ва «Красная заря», Ленинграддаги «Северное сияние» фабрикаси билан мустаҳкам алоқа боғладик.

ПРАГА. Тренчин шаҳридаги тикувчилик фабрикаси коллективи Совет Иттифоқи буюртмаларини муддатидан илгари тайёрлаш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Бу мажбуриятлар ЧКП 60 йиллиги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги шарафига қабул қилинган эди.

Улуғ Октябрь байрамини меҳнатда муваффақиятлар билан кутиб олиш бизнинг фабрикамизда яхши одат бўлиб қолган, деди корхона директорининг ўринбосари А. Квасновский ТАСС мухбирига. Планларни тўла ва ошириб бажариш коллективдан уюшқоқликни ва аниқ меҳнат маромини талаб қилади. Ялпи маҳсулот — эркаклар учун 4 миллионта устки кийимдан 1 миллионтаси Совет Иттифоқидаги харидорларга юборилади.

(ТАСС).

ЖУДА МУҲИМ ВОҚЕА

ДДП агентлиги хабар беради: ГФР ҳукуматининг расмий вакили К. Беккер Ғарбий Германия радиоси орқали сўзлаган нутқида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қиладиган визити ҳақида бундай деди: ГФР канцлери Г. Шмидтнинг фикрича, иккала мамлакат ўртасидаги мулоқот халқаро сиёсатнинг айниқса оғир бир даврида жуда муҳим воқеадир ва уни тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. У, Г. Шмидт давлат арбоблари ўртасида фикрлашув ва воқеаларга баҳо бериш «барқарорликнинг ҳал қилувчи элементи» эканлигига ишончи комил, деб уқтириб ўтди.

Ҳукумат вакили Г. Шмидт Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотга ҳисса қўшиши учун куч-ғайратини сарфлайди, деб таъкидлади.

К. Беккер бўлажак Совет — Ғарбий Германия музокаралари, ҳеч шубҳасиз, иқтисодий масалалар муҳим ўринни эгаллайди, деган фикрни билдирди ва шу муносабат билан СССР ҳамда ГФР ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ва ҳамкорликка ҳеч нарса тўскинлик қилиши керак эмас, деб таъкидлади.

9 ноябрда эркин демократик партия раҳбари Г.-Д. Геншер раислигида шу ерда ЭДП президиумининг мажлиси бўлиб ўтди, дейилади партиянинг матбуот хизмати ахборотида. Л. И. Брежневнинг ГФРга қиладиган визити Ғарб билан Шарқ ўртасидаги мулоқотнинг муҳим қисми, деб таърифланди. Бу визитдан мақсад Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатларни барқарор қилишдан, қурол-яроғлар ва қуролсизланиш устидан назорат, шунингдек иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш имкониятларини кидириб топишдан иборат. (ТАСС).

Хабарлар оқимидан

МАДРИД. Испанияда ишсизлар ҳамон кўпайиб бормоқда. Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлигининг маълумотларига кўра, мамлакатда октябрь ойида «ортиқча кишилар» қариб 1 миллион 600 минг кишига етган. Бу эса ишга яроқли бутун аҳолининг 12 процентдан кўпроғини ташкил этади. Шу йилнинг кейинги 9 ойи мобайнидагина ишсиз испанлар сони қариб 22 процент кўпайган.

КИТО. Перу пойтахтида АҚШнинг Марказий Америкадаги мамлакатлар ички ишларига аралашувига қарши кўп минг киши қатнашган норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишида бирлашган сўл кучлар сиёсий блокининг намояндалари, касаба союз, жамоат ва студентлар ташкилотлари иштирок этдилар. Намойишчилар Сальвадордаги ишларга Американинг аралашуви, шунингдек Никарагуага нисбатан дўқ-пўписа тўхтатилишини талаб қилувчи сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб бордилар.

(ТАСС).

ЯДРО ХАВФИНИНГ ОЛДИ ОЛИНСИН, ТИНЧЛИК САҚЛАБ ҚОЛИНСИН

Чет эл оммавий ахборот воситалари, жамоат ва сиёсат арбоблари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ғарбий Германиядаги «Шпигель» журнали редакцияси саволларига қайтарган жавобларини ҳали ҳам шарҳламоқдалар. Матбуот материалларида совет раҳбарининг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, инсониятнинг ядро ҳалокатига тойиб боришини тўхтатишга қаратилган таклифининг бениҳоя муҳимлиги ва актуаллиги таъкидланмоқда.

СССР халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик сиёсатини собитқадамлик билан изчил ўтказиб келмоқда, бу сиёсатнинг энг асосий принциплари Л. И. Брежневнинг жавобларида эўр куч билан яна тасдиқланди, деб ёзади Венгрияда чиқадиган «Непсабадшаг» газетаси. Ҳозирги вақтда СССР билан НАТО ўртасида Европада ўртача олисликка учириладиган воситалар соҳасида тахминий тенглик мавжуд эканини ва Совет Иттифоқи бу тенглик бузилишига йўл қўймаслигини совет раҳбари уқтириб ўтди. У АҚШда эўр бериб тарқиб қилинаётган «чекланган» ядро уруши деб аталган урушнинг агрессив концепцияларини фош қилиб ташлади ва башарти шундай уруш бошланғидек бўлса, муқаррар ва қайтариб бўлмайдиган тарзда жаҳон урушига айланиб кетиши мумкинлигини таъкидлади.

Термоядро ҳалокатининг олдини олиш, мустаҳкам тинчликнинг ишончли истиқболини вужудга келтириш —замонамизнинг кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифасидир, деб уқтиреди Болгарияда чиқадиган «Отечествен фронт» газетаси. Л. И. Брежнев ўз суҳбатида айни шу ҳақда гапирди, бу суҳбат СССРнинг тинчликсеварлигини, унинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашишга қаттиқ аҳд қилганини тасдиқлади.

Америкадаги ҳарбий проблемалар билан шуғулланувчи ахборот маркази директорининг ўринбосари, истеъфодаги адмирал Кэррол ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Шпигель» журнали саволларига қайтарган жавобларида машъум «чекланган» ядро уруши концепциясига Л. И. Брежневнинг берган баҳосига мен тўла-тўкис қўшиламан. Совет раҳбари ҳақли равишда уқтириб ўтганидек, бундай уруш муқаррар равишда ва қайтариб бўлмайдиган тарзда жаҳон урушига айланиб кетган бўлур эди. «Чекланган» ядро урушига йўл қўйиб бўлмайди ва бу нореал бир нарсадир. Оммавий қирғин қуролининг энг қудратли воситалари шай бўлиб турган ҳозирги асрда иккита етакчи давлат жаҳон ҳалокатига олиб бормайдиган тарзда «чекланган» зарбаларни бир-бирларига бериш билан «чекланиб» қолишларини тасаввур қилиб бўлмайди. Айни вақтда мен Л. И. Брежневнинг СССРдан ҳарбий устунликка эришиш тўғрисидаги орзуларни бир чеккага йиғиштириб қўйиш тўғрисида АҚШ маъмуриятига қилган даъватини ҳам тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман. Ҳозирги вақтда бири иккинчисини бир неча марта йўқ қилиб ташлаш учун етарли куч-қудратга иккала томон ҳам эгадир. Мана шундай шароитда қандайдир ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишларда ҳеч қандай маъно ва умид йўқ.

Кэрролнинг фикрича, СССРнинг ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисидаги таклифига бошқа ядро давлатлари ҳам қўшилишлари керак. Кескинликни анча сусайтирадиган ва хавфсизликни мустаҳкамлайдиган тегишли халқаро ҳужжат имзоланиши жуда зарурлиги яққол кўриниб турибди.

Мамлакатимиз халқи океан нариёғидаги стратеглар ҒФР территориясини атом урушидаги нишон деб ҳисоблашларини хоҳламайди, деб таъкидлади Ғарбий Германия тинчлик ҳаракатининг таниқли арбоби **Эрнст Буше.** Шу боисдан ҳам биз Совет Иттифоқининг Л. И. Брежневнинг «Шпигель» журнали редакциясининг саволларига жавобларида жуда яққол баён этиб берган тинчликсеварлик позициясини табриклаймиз. Совет раҳбарининг СССРнинг ҳарбий доктринаси олдини олиш мақсадини кўзловчи урушларни ва «биринчи зарба уриш» концепциясини назарда тутмайди, деган баёноти айниқса катта таассурот қолдирди. Бу суҳбатда СССРнинг реал қуролсизланишга тайёрлиги яна жуда равшан ифодалаб берилди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қўйидаги районлар республика ҳурмат тахтасига ёзилди:

Косонсой райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Болтихўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Сотиволдиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуриддинов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдуллаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Гаппороз;

Жиззах райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Мелиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Муҳиддинов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Юсупов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бўриев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Жумабоева, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Камолов;

Ҳанқа райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Жуманиёзов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Жуманиёзов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Умаров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ортиков, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ҳакимов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Собиров.

Каттақўрғон райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Туробов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шодиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Зубайдуллаев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Эрдонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турдиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Омонов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Файзиев;

Киров райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Марасулов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Саидов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайдаров, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Усмонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мақсудов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Мақсумова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Арслонов;

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КИПРДА

НИКОСИЯ, 10 ноябрь. (ТАСС мухбири). **Кипрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллик байрамига бағишланиб Совет Иттифоқи кунлари ўтказилмоқда. Бу йил мамлакатимиз номидан Ўзбекистон ССР қатнашмоқда.**

Совет Иттифоқи кунлари доирасида Никосиядаги Совет маданият марказида Ўзбекистон тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Экспонатлар орасида тасвирий санъат асарлари, графика, халқ амалий санъат асарлари, болалар чизган суратлар бор. Кипр вакиллар палатаси (парламенти) раиси Г. Ладас кўргазмани очиб кипрликларга ўзбек халқининг ҳаёти ва маданияти билан яқиндан танишиш имкониятини берганликлари учун чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятига ҳамда Кипр-Совет дўстлик жамиятига миннатдорчилик изҳор эди.

Бу ерда ҳозир бўлган кишилар кўргазма экспонатлари билан танишиб чиқаётганларидан кейин «Тошкент — Совет Ўзбекистони пойтахти» фильмини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

ЎЗИГА ХОС «РЕВИЗИЯ»

ПАРИЖ. Яқинда Миср маданият министри лавозимига тайинланган. Абдуҳамид Адван ўз идорасининг назорати остида бўлган муассасаларда ўзига хос «ревизия» ўтказишга қарор қилди. Франс-Пресс агентлиги мухбирининг хабар қилишича, министр жаҳонга машҳур Қоҳира музейига ўзини билдирмай борган. Бу ерда кўпдан-кўп нохуш тасодифларга дуч келган. Билет сотувчи кассир пулнинг қайтимини беришдан бош тортган. Музей залларида томошабинлар қадимги бебаҳо бойликлар ёнида бемалол сигарета тутатаверганлар. Даргазаб бўлган министр музей директори билан учрашишни талаб қилганида бунга рухсат берилмаган. Натижада музей директори ишдан бўшатилган, қўпгина хизматчилар эса қатиқ жазоланганлар.

(ТАСС).

МИСРДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

МАРнинг бош прокуратураси Садат режими муҳолифларининг мамлакатда фош этилган ташкилоти раҳбарларига расмий равишда айбнома қўйди. «Ал-Ахбор» газетасининг хабарига кўра, улар мавжуд режимни ағдариб ташлашга ўринниш, республика президентини ўлдириш, ҳарбийлаштирилган қўпорувчи ташкилотни тузиш, диверсиялар қилиш, ҳукуматнинг хизмат мақамалари жойлашган бир қанча биноларни босиб олиш, қурол-яроғ, портловчи моддалар ва ўқ-дориларни ғайри-қонуний суратда қўлга киритиш, полиция хизматчиларидан кўп кишини ўлдириш, баъзи губернаторликларда вақима ва террор вазиятини вужудга келтириш каби ҳаракатларда айбланмоқдалар. Саноб ўтилган қилмишларнинг кўпчилиги учун Мисрда ўлим жазосига ҳукм этилади.

Газеталар армияда тозалаш ўтказиб ганлигини тасдиқловчи материалларни босиб чиқардилар. Мудофаа министри Абу Ғазала Қувайтда чиқадиган «Ас-Сиёсе» газетаси мухбири билан суҳбатда 112 ҳарбий хизматчи «сиёсий қарашлари» ҳамда «роллли кучларнинг миссиясига тўғри келмайдиган ишлари» сабабли армиядан бўшатилганликларини маълум қилди.

* * *

«Вашингтон пост» газетаси Мисрдаги ички сиёсий аҳвол анализ қилиб берилган мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Ислом фидойиларининг кучайиб бораётган ҳаракати хавфи, шу ҳаракат вужудга келтирган ғоят катта иқтисодий ва социал проблемалар ҳамон мавжуд бўлиб, олис келажак қандай бўлишини олдиндан айтишни амри-маҳол қилиб қўяди».

ТАЗЙИҚ ҚИЛМОҚДАЛАР

АҚШнинг Мадриддаги элчиси депутатлар конгрессига йўллаган мактубида Испания парламенти аъзоларидан бир группасини НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасига ва бошқа муассасаларига келишга таклиф этди. Демократик оппозиция вакиллари шу муносабат билан газабланиб қатъий норозилик билдирдилар.

Испания социалистик ишчи партияси депутати Л. Соланнинг фикрича, Испания парламенти мамлакатнинг НАТОга қўшилиши тўғрисида бирор қарор қабул қилмаган шароитда юборилган бу таклифнома АҚШнинг Испания ички ишларига очиқдан-очиқ аралашувини билдиради. У сўл партияларнинг вакиллари бу таклифни қатъиян рад қилганлигини таъкидлади. (ТАСС).

ҲАРБИЙ БАЗАЛАР ТУГАТИЛСИН

ТОКИО. Наха шаҳрида бўлиб ўтган симпозиум қатнашчилари Американинг «Окинавадаги ҳарбий базалари тугатилсин!» деган талаб билан Япония ҳукуматига мурожаат қилдилар. Япония адвокатлар уюшмаси ва Окинава юристлар жамияти томонидан уюштирилган бу симпозиум иши давомида 40 минг кишидан иборат Америка армиясининг Окинавадаги ҳужайнилик қилиши орол аҳолисининг энг оддий ҳуқуқлари поймол этилишига олиб келиши уқтириб ўтилди. Ҳарбийларнинг бебошлиги, деб таъкидлашди симпозиум қатнашчилари, окинаваликларнинг ҳаётини қийоятда оғирлаштириб юбормоқда.

СУБУТСИЗ СИЁСАТ

ВАШИНГТОН:

Рейган маъмуриятининг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати бошбошдоқлик, ҳукуматнинг нима истаётганлигини аниқ тушунмаслик билан характерланади. Американинг мўътабар сиёсий арбоби, демократик партия миллий комитетининг собиқ раиси Р. Страус шу тўғрида гапирди.

У Эй-Би-Си телекомпаниясининг «Самолёт ва жаволлар» программасида сўзга чиқиб, жумладан американликлар ташқи сиёсат соҳасида маъмуриятдан бир-бирига ўхшамаган уч хил овозни — давлат секретари А. Хейг, мудофаа министри К. Уайнбергер ва президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Р. Алленнинг овозини эшитмоқдалар. Бу овозлар турли хилда янграмоқда, деди Р. Страус.

Маъмурият иқтисодий йўлининг бошбошдоқлиги ва бир-бирига зидлиги, деди у, жумладан маъмурий бюджет бошқармаси директори Д. Скопман билан молия министри Д. Риган ҳар хил ғояларни илгари сураётганликлари ва очиқдан-очиқ ҳар хил мақсадларга эришиш учун курашаётганликларида намоён бўлмоқда. Федерал бюджетдаги камомат 1984 йилда тугатилади, деб яқиндагина гапирган президентнинг ўзи бўлса бундан икки кун илгари, биз мўлжалланган муддатда бунга эриша олмаймиз, деб гапирди.

(ТАСС).

ИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ АЛМАШИБ

Республика «Билим» жамияти правлениеси қошидаги оммавий-сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилувчи комиссия қарийб тўрт йилдирки фаол ишлаб келади. Комиссия ўтган вақт мобайнида бир қатор хайрли ишларни амалга оширди. Республиканинг кўзга кўринган олимлари, шоирлари, давлат ва жамоат арбоблари, санъаткорлари саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида зарбдорларча меҳнат қилаётган илғорлар ҳузурида бўлиб, улар билан мароқли суҳбатлар ўтказдилар. Яқинда Туркманистон ССР «Билим» жамияти қошидаги хотин-қизлар ўртасида билимларни тарғиб этиш комиссиясининг таклифи билан тарих фанлари доктори Р. Аминова ва тарих фанлари кандидати Ф. Салимова бошлиқ комиссия аъзолари Ашхободда бўлдилар.

«Гулшод» номли оғзаки журналнинг фаолияти билан танишиш ўзбекистонлик меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. «Гулшод»нинг редколлегия аъзолари составида олимлар, шифокорлар, юристлар, педагоглар, артистлар, шоирлар бўлиб, улар вақти-вақти билан Туркманистонинг турли областлари меҳнаткашлари билан учрашиб турадилар. Ўша жойнинг ўзида одамлар билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиб, фойдали маслаҳатлар бериб қайтадилар. Бундай учрашувлар яхши самара бермоқда.

Қардош республикалар «Билим» жамиятлари вакилларининг бундай учрашувлари, албатта, анъанавий тус олади. Янги йилда ўтказиладиган республика «Билим» жамияти қошидаги мазкур комиссия фаолиятига бағишланган конференцияга туркманистонлик дўстлар ҳам таклиф этилади.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЛКАН МЕҲМОНХОНАСИ

„МОСКВА“ — ТОШКЕНТДА

- ОХУНБОБОЕВ МАЙДОНИДАГИ АЖОЙИБ АНСАМБЛЬ
- МУҲТАШАМ ҚАСРДА ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ
- ЭСКИ ШАҲАРНИНГ НАВҚИРОНЛИГИ
- 23 ҚАВАТЛИ МЕҲМОНХОНА 1050 НАФАР МЕҲМОННИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент тарихи ўзгача бугун. Унинг ҳусни, латофати ўзгача бугун. Пойтахтимизнинг кенг бағри зарбдор ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилидаги бекиёс ўзгаришлари билан ҳайратланарлидир.

Азамат бунёдкорларнинг қадоқ қўллари, алпона меҳнати, шижоати туфайли Шарқ машъали янада серфайз, кўркам, чинакамига коммунистик шаҳарга айланмоқда. Пойтахтимизнинг «Эски шаҳар» деб ном олган, эндиликда гўзаллашиб бораётган Чорсу майдонидаги «Москва» меҳмонхонаси бинокорлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Бу объектда меҳнат симфонияси авжида. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар янги усулда қурилаётган бинони келгуси йилнинг биринчи кварталида ишга тушириш учун курашмоқдалар.

Биноларнинг тез ва сифатли қурилиши, уларнинг зилзилага бардошлилигини ошириш борасида кўп ишлар қилинди. Тошкент қурилишларида янги прогрессив методлар кенг қўлланилянти. «Москва» меҳмонхонаси биноси ҳам янгича усулда бунёд этилди. «Ташгипрогор» институти лойиҳаси билан бунёд этилган бу бино қурилишида қопламаларни кўтариб монтаж қилиш методи қўлланилди. Бу усулда худди шу ернинг ўзида бино қопламаларининг монолит плиталари қуйилиб, бу плиталар тайёр ҳолда махсус домкратлар воситасида керакли баландликка кўтарилади. Ҳозир меҳмонхона қурилишида асосий монтаж ишлари тугалланди. Бино 23 қаватга етказилиб, усти ёпилди.

Шу кунларда «Москва» меҳмонхонасида сўнгги ишлар бажарилянти. Кўтарма кранлар ингиштириб олинадиган кунлар ҳам яқин. Эндиликда шаҳримизнинг энг ноёб қурилишларидан бирига айланиб қолган бу бинода пардозловчилар зўр ғайрат билан меҳнат қилишянти. Замонавий меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари қўлланилиб, ажойиб кошинлар ўрнатиляпти. «Главташкентстрой»нинг 2-пардозлаш трести 55- ва 45-қурилиш бошқармалари пардозловчилари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар энг мураккаб сайқаллаш ишларини бажаришянти. Жилокорлар ойнга 160-170 минг сўмлик иш бажаришянти. Э. Муродов, М. Иброҳимов бошлиқ бригадалар бинонинг қуйи қаватларида сувоқчилик ишларини олиб боряптилар.

— «Москва» меҳмонхонаси 1982 йилнинг бошида фойдаланишга топширилади, — дейди бош пудратчи — «Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи А. М. Воробьев. — Азамат қурувчиларимиз бу объектни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қилишянти. Ҳозирги пайтда Отаниёз Сафаров, Ильсур Минязов, Николай Орлов сингари бунёдкорлар кунлик топшириқларини ортиғи билан бажаришянти. А. Жўраев, Н. Қодиров, В. Кулагин бригадалари графикни 120-130 процентдан адо этишянти.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Москва» меҳмонхонаси Тошкентдаги энг йирик меҳмонхоналардан бирига айланади. Бино ҳаммаси бўлиб 23 қаватдан иборат бўлиб бу ерда 1150 нафар пойтахтимиз меҳмони жойлашади. Ажойиб хоналар, миллий нақшлар билан безатилган вестибюллар бунёд этилади. Асосий бинога қўшимча равишда яна икки қаватли маданий-маиший хизмат учун мўлжалланган бино ҳам мавжуд. Худди шу бинога ресторан, кафе, сартарошхона ҳам жойлашади.

Ҳозирги пайтда бино қурилишида ёрдамчи пудратчи ташкилотлар қизғин иш олиб боришяпти. «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкент бошқармаси, «Узпромвентиляция», «Сантехлитмонтаж» трестлари ва бошқа ташкилотлар бу ерда тезкорлик билан пардозлаш, ва ёрдамчи коммуникация ишларини бажаришяпти.

Бино қурилишида ҳозирги пайтда кўпгина ташкилотлар қатнашишяпти. Шунингдек, қурилишни материаллар билан таъминлаш соҳасида ҳам кўпгина ташкилотлар шуғулланишяпти. Масалан, Ғазалкентдаги мармар заводи объектни турли ҳажмдаги мармар ва гранит билан таъминлаяпти.

Собиқ Чорсу майдони эндиликда ўзига хос навқиронлик касб этяпти. Кейинги йилларда бу ерда қурилган кўплаб замонавий бинолар шаҳар ҳуснига-ҳуси қўшмоқди. Бош универсам магазини, «Болалар дунёси» магазини, яқинда қад кўтарган «Москва» меҳмонхонаси, кўплаб турар жой бинолари Кўқалдош мадрасаси билан бирга ажойиб ансамблга айланади.

«Москва» меҳмонхонаси ёнида эса яқин келажакда Совет Ўзбекистонининг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг сиймоси гавдалантирилган улуғвор ҳайкал ўрнатилади. Шу тариқа Охунбобоев майдони муаззам пойтахтимизнинг энг кўркам майдонларидан бирига айланади.

Меҳмоннавоз халқимиз яна бир муҳташам қаср тиклаяпти. Бу қаср бузилмас дўстликка битилган қасида рамзи бўлиб қолажак. «Москва» меҳмонхонаси қадимий ва навқирон Тошкентимиз кўркига-кўрк бўлиб қўшилади.

Ҳ. СУЛТОНОВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ.



Суратда: 23 қаватли «Москва» меҳмонхонаси қурилишида.
В. Сироткин фотоси.

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

ОЛИМЛАРНИНГ ТАВСИЯСИ АСОСИДА

Харьков областидаги фермаларда ва комплексларда ҳар куни озуқа мақсадида ишлатиладиган ўн тоннагача туз тежалмоқда. Маҳаллий олимларнинг тавсиясига мувофиқ, бу ерда шу тузнинг ўрнини босадиган модда қўлланила бошланди.

Сода ишлаб чиқариш чиқиндиларидан олинган янги озуқа моддаси узоқ вақт ётаверириб зич бўлиб қолмайди ва уни чорва молларга бериш олдидан қўшимча майдалашни талаб қилмайди. Лекин, энг муҳими, бу озуқа жониворларнинг модда алмашинишини яхшилашга ёрдам беради. Буни эса Украинадаги кўпгина хўжаликларнинг практикаси тасдиқлади.

Тузнинг ўрнини босадиган ана шу моддани тайёрлаш технологияси Лисичанск сода заводида ва Славянск сода комбинатида жорий этилди.

/ТАСС/.

ЛЕКТОРЛАР ДАЛА КЕЗАДИ

Андижон области меҳнаткашлари съездлар йилида она-Ватанга 625 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун умумхалқ мусобақасини қизитиб меҳнат қилмоқдалар. Олинган ана шу социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришда идеология ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Область партия комитети «Билим» жамияти ташкилоти билан ҳамкорликда лекторлар агитбригадалари ташкил этган. Юздан ортиқ агитбригадага уюшган пропагандистлар ва лекторларнинг лекция ва суҳбатлари пахтакорларда айниқса катта таассуротлар қолдирмоқда, уларни меҳнатда ғайрат-шижоат ва ташаббус кўрсатишга ундамоқда.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

СУТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Чирчиқда сут заводи фойдаланишга топширилди. Янги корхона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, қаймоқ, қатиқ, творог, мороженое ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Завод бир кеча-кундузда 30 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган.

МЕҲНАТКАШЛАР ДАСТУРХОНИГА

Сариқамиш кўли соҳилларидан самолётларда Нукусга янги овланган балиқлар етказиб берилди. Коллекторлардан ана шу табиий котлованга оқизилаётган сув кейинги йилларда балиқ запасларига бой бўлган улкан кўлни ҳосил қилди. Мўйноқ районидаги «Память Ленина» колхози бу ерда балиқчилик хўжалиги ташкил этиб, йиллик балиқ овлаш планини қисқа муддатларда бажарди.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ИСИТИЛАДИ

Бўёқчи ва сувоқчилар Мирзачўлда биринчи бўлиб Қуёш энергияси билан иситиладиган биринчи уйнинг пардозлаш ишларини бошлаб юбордилар. Гулистонда барпо этилаётган 32 квартирали уй-жой корпуси бино томига ўрнатиладиган гелиоустановка билан жиҳозланади.

ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДАН

ҚУЁШ ФАРЗАНДИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет халқлари каби партия XXVI съезди қарорларини амалга ошириб бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга улкан ҳисса қўшмоқдалар. Шу кунларда етиштирилган мўл ҳосилни охиригача териб олиш учун пахта далаларида қизғин кураш кетмоқда. Ҳамманинг фикри-зикри пахтада. Бугунги кунда пахтачилик республика қишлоқ хўжалигининггина эмас, балки халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолди. Пахта моддий ва маданий турмушимизни юқори босқичга кўтаришда ғоят катта роль ўйнамоқда.

Инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун зарур бўлган техник ўсимликлардан бири пахтадир. Деҳқоннинг машаққатли ва тинимсиз меҳнати маҳсули ҳисобланган пахта бугун ёз ва куз бўйи қуёш нурида етилади, тобланади. Шу сабаб қадимда пахтани «Қуёш фарзанди» деб бежиз айтишмаган.

Пахтадан ишланган кийим-кечаклар инсон қиёфасини безайди, совуқдан ва жазирама иссиқдан ҳимоя қилади, бадан ҳароратининг мўътадиллигини сақлайди. Пахтадан олинадиган маҳсулотлар кундалик турмушимизда муҳим ўрин эгаллайди. Утмишда ота-боболаримиз табиий офатлар, қирғин уруш ва қаҳатчилик даврларида ҳам пахтани кўз қорачиғидай сақлаб, уни авлоддан авлодга ўтказиб келдилар.

Пахтачилик қайси мамлакатда олдин юзага келганлигини аниқ айтиш қийин. Археологик қазилмаларга кўра бундан икки минг йиллар илгари Фарғона водийсида аҳоли пахтачилик билан шуғулланган. VII—VIII асрларда Самарқанд, Тошкент ва Хоразмда пахта экилганлиги ҳақида маълумотлар бор. X асрда ҳозирги Ўзбекистон территориясида пахтачилик ва унга боғлиқ ҳолда тўқимачилик ўсган. Бундан минг йилча муқаддам Самарқанддан 24 чақирим наридаги Ведан шаҳрида пахтадан газламалар тўқиш яхши ривожланган. У ерда кўринниши нафис ва чиройли, сариғ рангли, зич тўқилган, майин ведан газламаси тўқиб чиқарилган. Бу хилдаги газламани Бухоро областига қарашли Добсин (ҳозирги Зиёвуддин номли жой) шаҳрида ҳам тайёрлашган. Бухоро шаҳри ва атроф жойларда газлама ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган алоҳида маҳалла ва қишлоқлар ҳам бўлган. Жумладан, Зандона қишлоғида зандоначи (зандоний номли ип газлама ишлаб чиқарилган ва уни Ироқ, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатларга олиб кетишган.

XVI—XIX аср ўрталарида Россия билан алоқанинг кучайиши Ўзбекистонда пахтачилик ва турли газламалар тўқишнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бу вақтларда бўз, олача, босма, хом сурп, зандони, қизил мато, миткал, қалами, дока, парда, чодирлар Россияга кўплаб олиб кетилган. Шунингдек, пахта ва калава ипнинг ҳам Россияга жўнатилганлиги маълум. Бундан ташқари ўзбек газламалари Сибирь, Волга бўйлари ва Урал орқали Россиянинг бошқа жойларига ҳам кўплаб келтирилган. Оренбургда пахта ўстиришга ҳаракат қилинган. XVIII аср охирида рус ҳукумати Сибирда пахта етиштириш мақсадида сибирлик ўзбекни Бухорога юбориб, сифатли чигит келтириш ва пахта усталарини бу ишга жалб қилиш ҳақида махсус кўрсатма ҳам берган. Бироқ бу ҳаракат амалга ошмаган.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингач, пахтачилик соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистонда қадимдан маҳаллий «ғўза» пахтаси етиштирилиб келинган. Бу пахта «малла ғўза», «қизил пўчоқ» номида юритилган. «Қизил пўчоқ» пахтасининг чигити анча йирик, толаси оқ рангда бўлган. Унинг танаси қизғишлиги учун «қизил пўчоқ» дейилган. Толасининг узунлиги 22—23 миллиметрга борган. «Малла ғўза» пахтасининг ранги сариқ-қизғишроқ, чигити майда, толасининг узунлиги 14—16 миллиметр бўлиб, маҳаллий «ғўза» пахталари орасида Хоразмда етиштириладигани ўзининг сифати ва майинлиги, толасининг узунлиги жиҳатидан бошқа нав ғўзаларидан ажралиб туради.

Тошкент, Фарғона ва Бухорода етиштириладиган «ғўза» навли пахта бир-биридан ранг ва фарқ қилмаган. Унинг ҳосили дастлаб чаноқлари билан териб олиниб, сўнгра қўл билан пахта чаноқлардан ажратилган.

Замон тақозоси билан «ғўза» навли пахта ўзининг кам ҳосиллиги, толасининг калталиги жиҳатидан тўқимачилик саноати талабларига жавоб беролмай, «Америка» навли пахта билан рақобат қилолмай қолди. Бу ҳолат Ўрта Осиёни ўзининг хом ашё базасига айлантирмоқчи ва катта бойликларни қўлга киритмоқчи бўлган чор ҳукумати манфаатларига зид эди. Натижада XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб чор ҳукумати пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. Рус мутахассис ва агрономлари ўлкада пахтанинг янги навларини иқлимлаштириш соҳасида муҳим ишлар олиб боришди. Машаққатли меҳнат ва узоқ изланишлар натижасида XIX асрнинг 80-йилларига келиб «упланд» пахта нави маҳаллий шароитда сифатли ва кўп ҳосилли эканлиги аниқланди. У ҳар жиҳатдан тўқимачилик саноати талабларига жавоб берарди. 1913 йилда олиб борилган текширишларга кўра ҳар бир десятинадан олинган маҳаллий «ғўза» навли пахта 77 пуд, «упланд» навли пахта 127 пудни, даромади эса биринчисида 220 сўм, иккинчисида 486 сўмни ташкил этган. Шунингдек, янги нав пахта толасининг узунлиги билан ҳам устун турган.

XX аср бошларида рус агрономларининг ташаббуси ва бевосита қатнашувида ўзбек пахтакорлари билан ҳамкорликда жаҳоннинг турли жойларидан келтирилган эллика яқин навларни маҳаллий шароитга мослаштириш устида тажриба олиб борилди. Натижада Ўзбекистонда пахтанинг янги навлари кўп миқдорда экиладиган бўлди. Пахтачиликка оз бўлса-да агротехника янгиликлари киритилди. 1890 йилда олинган пахта ҳосилининг умумий ҳажми 2 миллион пуд бўлган бўлса, 1915 йилда 18 миллион пуддан ошиб кетди. Пахтачиликнинг ўсиши Ўрта Осиёда темир йўлларнинг қурилишига олиб келган. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга катта таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири дейиш мумкин.

Пахтакорлар, умуман меҳнаткаш омма Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги туфайлигина асрлар давомида орзу қилиб келган ниятига эришиб, озод ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Пахтачилик ҳам асосан Советлар ҳокимияти даврида Ўзбекистонда бекиёс ривож топиб, халқ хўжалигининг етакчи тармоғига айланди. Эндиликда мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг учдан икки қисми Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу кунларда пахтакорларимиз она-Ватанга камида 6 миллион тонна пахта топшириш учун зўр ғайрат ва матонат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. ЗИЯЕВ,
профессор.

СПОРТ

МЕРГАНЛИК:

ФАХРЛИ ЎРИН

Қозоғистон пойтахтида «Вечерняя Алма-Ата» газетаси соврини учун Бутуниттифоқ анъанавий мусобақаси бўлиб ўтди. Нишонга олиш усталари бахсида тошкентлик Н. Савинич фахрли 2-ўринни эгаллади. У хандак стендига отиш бўйича 200 имкониятдан 188 очко жамғариб, муваффақият қозонди.

ФУТБОЛ:

ИЙЛАНМА УЧУН КУРАШ

Иккинчи лиганинг зона ғолиблари ўртасида ўтказилаётган учрашувлар якунланмоқда. Маълумки, 9 команда уч группага бўлинган ҳолда биринчи лигага йўлланма олиш учун курашмоқда. Икки группада ғолиблар муддатидан олдин аниқланди. Чунончи, биринчи группага киритилган коллективлар орасида Риганинг «Даугава» командаси келаси йил биринчи лигада ўйнайдиган бўлди. Ригалик футболчилар Фарғонада «Нефтяник» меҳмони бўлиб (1:0), очколарини 6 тага етказишди. Майдон эгалари учрашувнинг сўнгги минутларида дарвозадан ягона тўп ўтказиб, имкониятни бой беришди. Иккинчи группада зафар қучган Кировнинг «Динамо» командаси ҳам биринчи лигага чиқди. Учинчи йўлланманинг тақдири эса «Ротор» — «Динамо» (Бр) командалари учрашувининг натижасига боғлиқ бўлиб турибди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

△ ШАХМАТ. Жаҳон чемпионлиги учун нурашнинг 14-партияси қора доналар билан 46-юришдан кейин нечиктирилди. Умумий ҳисобда (4:2) олдинда бораётган А. Карпов оқ доналар сурмоқда.

△ БОКС. Совет чарм қўлқоп усталари Канадага жўнаб кетдилар. Боксчиларимиз жаҳон кубоги учун иккинчи марта ўтказилаётган мусобақада куч синашадилар. Европа чемпиони Ш. Собиров, уч марта қитъа чемпиони В. Рибаков ҳамда жамбуллик С. Қўноқбоев, гомеллик Ю. Торбек ва бошқалар совет спорт шарафини ҳимоя қиладилар.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 13 ноябрда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Қувноқ стартлар. 10.50 — Хайрли соатда. Бадиий фильм. 12,25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ф. М. Достоевский туғилган кунинг 160 йиллигига. 16.05 — Шахмат мактаби. 16.35 — Анголанинг миллий байрами. 17.05—Анголада халқ байрами. 17.40—Чорвачилик — зарбдор фронт. 17.55 — Горичилар, қаердасиз! 18,25 — Инсон ва қонун. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари, 19.30 —Совет милициясининг кунига бағишланган концерт. 2-бўлим. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Киев). Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ботаника. 12.00 Телефильм. 12.30—Ботаника. 13.00—Телевизион театр. 18.05 — Жонажон ўлка. 18.35 — Инсон ва йўл ҳаракати хавфсизлиги. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Днепр» (Днепропетровск). Танаффус пайтида ахборот. 20.45 — Ахборот. 21.05 — Турмуш ва маданият. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.30 — Оламда нима гап. 22.45 — Орзу-умидимиз қуши. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Болалар учун фильмлар. 18.40 — Реклама. 19,00 — Чизма геометрия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Француз тили. 20.50 — Менинг Ирэним. Телевизион бадиий фльм. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 9,35 — Эстрада куйларидан концерт. 11.15 — КПСС XXVI съезди ривожланган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 11.25 — Ёшлар ва студентлар учун концерт. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Сулолалар шарафи. 14.00 — Илғор механизаторлар ҳақида ҳикоя қиламиз. 19.25 — Эстрада миниатюралари. 20.15 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Днепр» (Днепропетровск). 21,00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 21.10 — Шеърият кечаси. 21.30 —Пахтакорлар учун концерт. 22.30 — «Ҳайтарма» ансамбли солистларининг концерти. 23.15 — Дам олиш концерти.

●

Узбенконцерт

14 ноябрь соат 19.00да

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ИЖОДКОР ЕШЛАРИ ИШТИРОКИДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Билетлар В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида ва Свердлов номли концерт зали кассасида сотилмоқда.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981-82 ўқув йилига

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб чиқаради: саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, металлар бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь-электрчи, қўлда пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, ярим автомат машиналарда ишловчи электр пайвандчи, силлиқловчи, штамповкачи, қуюв ишлаб чиқаришининг қолипловчиси.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар ишлаб чиқариш практикаси давомида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини 4-5 баҳолар билан битирганлар имтиёзли шароитда олий ўқув юртларига кирадилар. 10-синф ҳажмида маълумоти билан билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар. Ўрта мактабларни битирган ўқувчилар ойига 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

16 дан 25 ёшгача бўлган, 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), 8-синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома (10-синфни тугатганлиги тўғрисида аттестат), справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 60 72 112. 115-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16—17 ноябрь соат 15.00 ва 19.30 да

МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ ВА НАМАНГАН ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИНГ ҒОЛИБ ПАХТАКОРЛАРГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати — В. ВОЛЖАНСКИЙ бошчилигидаги программа номерлари.

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар

Камолиддин РАҲИМОВ ва Уринбой НУРАЛИЕВ

Билетлар сотилмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44.35-91, 44-35-64.

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

11 НОЯБРЬ 19.00 да

олий лиганинг «ДНЕПР» (Днепропетровск) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/XI да Баланд қоғдаги аёллар, 13/XI да Шошма. қуёш.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/XI да Хизматингизга тайёрмиз, 13/XI да Гулсара.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти китоб нашри бўйича редакция мудири, 1951 йилдан КПСС аъзоси

Саъдулла Хўжаевич ХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини маълум қилади ҳамда марҳумнинг оила аъзолари ва яқин кишиларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узплодоовощчтранс» бирлашмаси коллективи бирлашма ходими

Ориф Зокирович ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Узмясомолторг» республика конторасси коллективи катта юристконсульт О. Д. Дамадановга отаси

Дамадан Абдумагамедович АБУМАГАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-53-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 32-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78, Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02330. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 261.